

ЎЗБЕК ВА ФРАНЦУЗ ТИЛЛАРИДАГИ ҚОФИЯДОШ ФРАЗЕОЛОГИК БИРЛИКЛАРНИ ЛИНГВОКУЛТУРОЛОГИК ЖИХАТЛАРИ ТАҲЛИЛГА ДОИР

Мукумов Тошқобил Бозор ўғли

Ўқитувчи, Самарқанд давлат чет тиллар институти,
Самарқанд, Ўзбекистон.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11212779>

Аннотация. Мазкур мақолада француз ва ўзбек тилларидаги қофиядош фразеологик бирликларда миллий тушунчалар уйғунлиги хусусида фикр юритилган бўлиб, унда ушбу икки халқ вакиллари менталитетига хос тушунчалар қофиядош фразеологик бирликлар орқали ифодаланганлиги ва уларни лингвокултурологик жиҳатдан кўриб чиқиш борасида мулоҳаза юритилган.

Калим сўзлар: лексик қатлам, қофиядошлик, фразеологик бирлик, лингвокултурология, фразема, менталитет, фразеология, қадрият, мақол.

THE LINGUOCULTURAL ASPECTS OF RHYME PHRASEOLOGICAL UNITS IN THE UZBEK AND FRENCH LANGUAGES NEED ANALYSIS

Abstract. The article discusses the compatibility of national concepts in rhyming phraseological units of the French and Uzbek languages, in which the concepts characterised in the mentality of the two peoples. They are expressed through rhyming of phraseological units, their linguistic and cultural records.

Key words: lexical layer, rhyme, phraseological unit, cultural linguistics, phraseme, mentality, phraseology, meaning, proverb.

ЛИНГВОКУЛЬТУРНЫЕ АСПЕКТЫ РИМФРАЗЕОЛОГИЧЕСКИХ ФРАЗЕОЛОГИЧЕСКИХ ЕДИНИЦ В УЗБЕКСКОМ И ФРАНЦУЗСКОМ ЯЗЫКАХ ТРЕБУЮТ АНАЛИЗА

Аннотация. В статье обсуждается совместимость национальных концептов в рифмующихся фразеологизмах французского и узбекского языков, в которых концепты, характерные для менталитета двух народов. Они выражаются через рифмующиеся фразеологизмов и их лингво-культурологических учетов.

Ключевые слова: лексический пласт, рифма, фразеологизм, лингвокультурология, фразема, менталитет, фразеология, значение, пословица.

Кириш. Ҳар бир тилда эркин мулоқотда бўлиш ва шу тилдаги барча нозик маъноларни тушуниш учун шу тилнинг фразеологик луғати билан яқиндан таниш бўлиш муҳим ҳисобланади. Бирор бир тилнинг ёки ўша тилда гаплашувчи халқнинг тил бойлиги – унинг бўёқдор, сержило лексикасининг, фразеология қатламининг бойлиги билан ҳам ўлчанади.¹

Бугунги кунда, турғун бирикмалар устида қизғин изланишлар олиб борилаётган бир пайтда, қофиядош фразеологик бирликларни ҳар томонлама ўрганиш фразеология соҳасининг асосий вазифаларидан биридир. Қофиядош фраземаларни қиёсий жиҳатларини ўрганиш асносида уларнинг лингвокултурологик жиҳатларига тўхталмай иложимиз йўқ. Бу

¹ М.Содиқова. Русча-ўзбекча фразеологик луғат. Тошкент: 1993, Б. 4.

орқали тадқиқ этаётган тилларимиздаги фразеологик бирликларнинг бир-бирига ўхшаш ва фарқли томонларини, шу тил эгаси бўлмиш халқнинг ўзига яраша маданияти ва ўзига хос менталитетини кўрсатишга ҳаракат қиламиз.

Асосий қисм. Ўзбек ва француз тилларидаги қофиядош фразеологик бирликларни лингвокултурологик жиҳатларини таҳлил қилишда ўзбек ва француз тилларидаги турғун бирикмаларнинг мавзу жиҳатидан бир-бирига ўхшаш томонларини кўриб чиқиш ва улардаги менталитет ва миллий характернинг ифодаланиши каби масалаларга чуқурроқ ёндашишга ҳаракат қилдик.

В.Телия тилшунос ҳамда фолклоршунос олим сифатида маданиятни тил билан боғлаган ҳолда фразеологиянинг тилдаги ролини алоҳида таъкидлаб ўтади.² Унинг айтишича, тил бутун бир маданиятни ўзида ифодалар экан, шубҳасиз фразеология соҳаси ҳам тилнинг эгаси бўлмиш халқнинг маданиятини жуда чиройли ва чуқур ифодалай олади.

Бундай ҳолатни ўзаро тил ва маданиятнинг қоришиб кетган соҳаси яъни лингвокултурология асослай олади. Халқ маданиятини кўрсатишда фразеологик бирликлар энг фаол воситалардан бири сифатида бугунги кунда тилшуносликда лингвокултурологик изланишлар жараёнининг муҳим мавзуларидан бирига айланмоқда. Кўплаб изланишларнинг асосий объекти сифатида ишланиляпти.

Аслида ушбу кичик тадқиқотимизнинг асосий қисмидан бири бўлмиш француз ва ўзбек тилларидаги қофиядош фразеологик бирликларда миллий тушунчалар уйғунлигини кўриб чиқиш, бирликларнинг лингвокултурологик хусусиятларини, уларнинг ўхшаш ва фарқли томонларини ўрганиш ишимизнинг муҳим босқичларидан биридир. Шу сабабли юқорида келтирилган олимларнинг назарияларига асосланган ҳолда бир қанча ўзбек ва француз тилларидаги мақолларни таҳлил қилиб, келтирилган фикрларимизни исботлашга ҳаракат қиламиз. Уларда халқ турмуш тарзи қай даражада ифодаланганлигини мисоллар ёрдамида келтиришга ва икки тилда мавжуд бўлган қофиядош турғун бирликларнинг солиштира таҳлили орқали ўзаро ўхшаш ва фарқли томонларини кўрсатишга ҳаракат қиламиз. Француз ва ўзбек тилидаги қофиядош фразеологик бирликларнинг лингвокултурологик хусусиятларига тўхталар эканмиз, шу ўринда ҳар иккала тилда мавжуд бўлган қофиядош турғун бирикмаларнинг мавзу жиҳатидан бир-бирига ўхшаш ва фарқли томонларини ўрганиш муҳим ҳисобланади. Бундан ташқари ҳар иккала тилда мавжуд бўлган қофиядош турғун бирикмаларнинг маълум мавзу доирасига кириши ва бу мавзуга доир қофиядош фраземаларнинг ҳар иккала тилда муқобил вариантларини топа олиш орқали халқнинг айрим ўзига хос хусусиятларини ифодалашга ҳаракат қилдек.

Асосан ҳар иккала тилда бор бўлган қофиядош турғун бирикмаларнинг қиёсий таҳлилини қилган ҳолда нега тилда мавжуд ёки мавжуд бўлмаганлик сабабларини ўрганиб чиқиб, иккала тилда ҳам мавжуд бўлган қофиядош фразеологик бирликларни лингвокултурологик жиҳатдан таҳлил қилишга ҳаракат қилдик.

Шундай қадриятлар борки у бутун бир инсониятга тааллуқли ҳисобланади, жумладан, дўстлик ҳам. Бу тушунча биз кўриб чиқаётган икки халқ яъни француз ва ўзбек

²Телия В.Н. Русская фразеология. – М.:1982. – С. 60-68. ²Телия В.Н. Русская фразеология. – М.:1982. – С. 41-47.

халқи қадриятларининг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади. Ва албатта бу тушунча бу икки халқ фразеологизмларида ҳам ўз аксини топганлигини кўришимиз мумкин. Французча куйидаги мақолга тўхталсак:

Ami de table
Est bien variable;

Ушбу мақолни таржима қилсак таоминг учун ўртоқ тез ўзгаради деган таржима чиқади. Бу ерда **table** сўзи метонимия асосида маъно кўчишига учраб, таом, овқат маъносида келганлигини ҳисобга олсак, маъноси ўзбек тилидаги **Пулинг борида – ана дўст, Пулинг йўғида – қани дўст** мақолига тўғри келади. Яъни ҳақиқий дўст сенинг оч кунингда ҳам, тўқ кунингда ҳам бирга бўлиши айтилади. Дўстлик тушунчаси иккала халқ вакиллари учун ҳам муштарак ҳисобланади, шунинг учун ҳам иккала халқ фразеологиясида бу тушунча ўз ифодасини топганлигидан таажжубга тушмасак ҳам бўлади, ваҳоланки, дўст-дўстлик каби тушунчалар қадимдан эъзозланиб келган ва бу борада кўплаб асарлар ёзилганлиги сўзимиз исботидир.

Ўзбек халқининг ажойиб одатлари бор. Шулардан бири бу эрта тонгдан туриб наҳорга бориш, ёки ҳали куёш чиқмасдан туриб бободехқон далада ишлашни бошлайди.

Бу бекорга эмас, чунки ўзбек халқида бир гап бор – эрта турганнинг иши баракали бўлади деган. Шунинг учун ҳам ўзбек халқи орасида куйидаги қофиядош фразеологик бирлик ишлатилади: **эрта турган иш битирар, Кеч турган кўп туртинар**. Бу мақол ўзбек халқининг эрта туришининг хосияти, эрта билан қилинган ишнинг баракаси бўлишига ишонишини билдиради. Бу қадим-қадимдан ўзбек халқига хос одат ҳисобланиб, бунинг исботи сифатида яна бир нечта мисолларни келтириб ўтиш мумкин. Масалан: **эрталабки иш, кўнгилни қилар хуш**. Ёки: **эрта турган йигитнинг бир ризқи ортиқ, эрта турган аёлнинг бир хусни ортиқ** – каби мақолларни келтириш мумкин-ки, эрта туриш ўзбек менталитетига хос жиҳат ҳисобланади ва бу фразеологик бирлик орқали тилда ифодаланади. Француз халқида ҳам бу одат мавжуд бўлиб, француз миллати ҳам эрта билан туриб қилинган ишнинг баракали бўлиши, умуман эрта туриш одати қадимдан шаклланганлиги француз тилида ҳам ўз ифодасини топганлигини кўришимиз мумкин.

Масалан: *Heure du matin, heure du gain* каби. Ушбу қофиядош фразеологик бирликни таржима қиладиган бўлсак эрталабки вақт – фойда, даромад вақти каби таржима чиқади. Бу шуни кўрсатадики француз халқи учун ҳам эрта туриш ва қилинган иш омадли ҳисобланади. Бу француз халқи менталитетига хос бўлган одатлардан бири бўлганлиги ўлароқ француз тилида ҳам ўз аксини топмоқда. Қадимдан ўзбек халқида бирор юмушни ўз вақтида қилиш одат тусига кирган. Ҳатто бирор марака-тадбир қилаётган кишининг шу ишга бироз қурби етмай қолса яқинларидан ёрдам олиб бажаришган. Сабаби ўзбек менталитетида ҳар ишни ўз вақтида бажариш одат тусига кирган ва бу одат фразеологик бирликларда ҳам номоён бўлади. Масалан: **эртага ош қолса — давлат, Иш қолса — меҳнат**.

Ёки: **экинни эрта йиққан хирмон қилар, Кеч қолган армон қилар**. Юқорида таъкидлаганимиздек ҳар икки тилда мавзу жиҳатидан бир хил ва мавжуд бўлган қофиядош фразеологик бирликларни лингвокултурологик таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз. Француз тилида ҳам бажариладиган ишни эртага қолдирмасликка боғлиқ қофиядош фразеологик бирлик мавжуд бўлиб, бу француз халқига ҳам бу одат хос эканлигини кўрсатади. Масалан:

Ce qu'aujourd'hui tu peux faire, Au lendemain ne diffère. Бу мақолни ўзбек тилига *бугунги ишни эртага қўйма* деб таржима қилсак бўлади. Ёки бошқа бир французча мисол келтириш мумкин: *Aujourd'hui en fleurs, Demain en pleurs*; Охирги мисолда ёмғир – *pleurs* сўзи ишлатилган бўлиб ўзбек тилида унинг ўрнига бошқа бир табиат ҳодисаси ишлатилади.

Яъни: *Қолган ишга қор ёғар* дейилади. Шу ерда француз ва ўзбек тилидаги кичик бир тафовутни кўришимиз мумкин. Бироқ иккала тилдаги фразеологик бирликлардан ҳам бир хилдаги маъно англашилади.

Ҳар бир миллатни танитадиган унинг тили, маданияти, урф-одатлар, анъаналари ва бошқалар. Бирор халқнинг маданиятида мавжуд бўлган ҳар қандай нарса унинг тилида қандай шаклда бўлишидан қатъий назар ўз ифодасини топмоғи лозим. Ўзбек халқида қадим замонлардан буён кўп гапирмаслик, оз гапирса ҳам соз гапириш одат тусини олган.

Бу одат халқ тилида ҳам ўз ифодасини топган бўлиб, уни ўзбек халқи шарқона ажойиб фразеологик шаклда ифодалайди: *Гапни оз сўзла, Ишни кўп қўзла*. Ушбу мақол юқорида таъкидланган одатни тилдаги гузал ифодаси бўлиб, ундан кўп гапириб вақтни юқотмаслик ва кўп ишлаб фаровонликка эришиш насиҳат тарзида англашилади. Бу одат намуналари ўзбек менталитетини кўрсатувчи мезон бўлиб хизмат қилади. Бу фразеологик бирликнинг француз тилида вариантдоши бўлиб: *Bien faire vaut que bien dire* – ни келтириш мумкин. Бундан шуни англаш мумкинки, француз халқига ҳам бундай одат тааллуқли ҳисобланади. Бундан ташқари бу қофиядош фразеологик бирликнинг бир нечта вариантдошлари мавжуд. Булар қуйидагилар: *Минг сўздан бир иш яхши; Сўзига боқма, ишига боқ; Сўзинг кумуш бўлса, Ишинг — олтин; Ўзбек тилида яна шундай бир ибора борки, бу ибора ўзбек менталитетига хос яхши одатни ўзида акс эттирган: Ёшликнинг меҳнати, Қариликнинг роҳати; Бу қофиядош фразеологик бирлик орқали ўзбек халқи қадим-қадимдан ёшларни меҳнат қилишга, ёш пайтиданок бирор касбни эгаллашга, уни севишга ундаганлигини кўришимиз мумкин. Бу одат ўзбек тили лексикасида ҳам фраземалар шаклида номоён бўлади. Бу қофиядош турғун бирикманинг бир нечта вариантдошларини учратишимиз мумкин: Ёшлигингда яхши *ишласанг*, Қариганда яхши *тишлайсан*; Ёки: Ёшлигингда *ишламасанг*, Қарилигингда *тишламайсан*, каби вариантлар мавжуд. Француз тилида ҳам шу фразеологик бирликнинг вариантдоши мавжуд, бу эса бу характер француз халқига ҳам бегона эмас эканлигини билдиради: *Il faut travailler en jeunesse, Pour reposer en vieillesse*; ёки: *Qui est oisif en sa jeunesse, Dans sa vieillesse*;*

Юқоридаги мисоллардан кўриш мумкинки, бир миллатга тааллуқли бўлган баъзи одатлар, ҳислатлар бошқа миллатда ҳам учратиш мумкин. Француз ва ўзбек халқи тилларидаги ушбу қофиядош фразеологик бирликлар орқали улардаги ўхшаш томонларни кўришимиз мумкин.

Хулоса. Икки тилдаги қофиядош фразеологик бирликларни бир-бирига қиёслаб, уларни ўзаро лингвокултурологик жиҳатдан ўрганишда бу тилларда учрайдиган айнан бир тушунчани ифодалайдиган бирликлар бисёр деган хулосага келдик. Бундан кўринадики, француз ва ўзбек халқи томонидан қадрланадиган қадриятлар бир-биридан мутлоқ фарқ қилмайди. Шунингдек умуминсоний бўлган қадриятларни ифодаловчи қофиядош фразеологик бирликлар ҳам бундан мустасно эмас.

Ҳар бир миллат ўзини маълум бир миллий анъаналари орқали номоён қилади, яъни ҳар бир халқнинг, миллатнинг ўз миллий анъаналари, урф-одатлари мавжуд. Бу маънода ҳар бир инсон ана шу миллийликни ўзида акс эттирувчи муайян маданият, тил, тарих, адабиётга алоқадор бўлади. Маълумки, тил нафақат ижтимоий ҳодиса, балки маданият билан ҳам узвий боғлиқдир. Лингвокултурология ўрганиш обектига кўра маданиятшунослик ва тилшунослик фанларига бирмунча яқин, бироқ мазмун-моҳияти, ўрганиш обектига бўлган ёндошувига кўра фарқли деб айтиш мумкин. Уни чегараловчи мезон шундан иборатки, у халқ маданиятининг тилда намоён бўлиши ҳамда ифодаланиши, тил менталитети, миллийлиги, тил руҳияти билан боғлиқ равишда нутқий мулоқотни ташкил этишдаги миллий-маданий спетсифик қоидаларни ўрганади ҳамда миллат маданиятининг тилда акс этган ўзига хос миллий тил хусусиятларини аниқлаш, тадқиқ этиш билан шуғулланади.

Қофиядош фразеологик бирликларнинг умумий маъносидан келиб чиқиб, уларни маълум мавзу доираларга ажратиш орқали француз ва ўзбек халқларининг менталитетига хос жиҳатларни қофиядош фразеологик бирликларда ифодаланиш хусусиятларини кўришимиз мумкин. Қофиядош фразеологик бирликларда қатнашган лексималар уша тил соҳибларининг миллий менталитетини кўрсатиб беради ва бундай лексималар қатнашган қофиядош фразеологик бирликларни бошқа тилда бериш таржимонга бироз қийинчилик туғдиради. Ўз навбатида иккала тилда ҳам вариантдоши мавжуд бўлган қофиядош фразеологик бирликлар мавжуд бўлиб, булар эса нафақат таржимонга, балки, икки тил вакилларига ҳам бир-бирларини осон тушунишга имкон беради. Французча мақоллар ўзбек тилига ёки ўзбекча мақоллар француз тилига талқин қилинганда ёки уларнинг айнан эквивалентлари олиб қаралганда уларга хос қофиядошлик мавжуд ёки мавжуд бўлмаслик ҳолларини кузатиш мумкин. Уларнинг бирида бадиийлик хусусияти устун турса, бошқасида эса оғзаки нутққа хос жаргонларнинг мавжудлиги аниқ намоён бўлади.

REFERENCES

1. Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. –Жиззах: Сангзор; 2006. -92 б.
2. Содиқова М. Қисқача ўзбекча-русча мақол-маталлар луғати. -Тошкент: Ўқитувчи; 1993. -76 б.
3. Телия В.Н. Русская фразеология. – Москва: Шк. Языки рус. Культуры; 1996. – 284 с.
4. Ўзбек халқ мақоллари. — Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989. -512 жб.
5. Шомақсудов Ш., Шарахмедов Ш. Маънолар маҳзани. — Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2001. — 477 б.
6. Ergashev M., Niyozov I. Proverbes et Dictons d'Ouzbékistan, Paris: EDITIONS GEORAMA, 2006. - 96 p.
7. Proverbes français : 1066 proverbes célèbres . <https://citation-proverbe-francais>.

